



**ПРОКУРОР ТАЛАБИ – ПРОКУРОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД
МУҲИМ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА**

Саидмурадов Нажмиддин Набижонович

Сурхондарё юридик техникуми Мутахассис фанлар кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** мазкур тезисда прокурор талаби – прокурорлик фаолиятига оид муҳим ҳужжат сифатида таҳлил этилади. Якунда, муаллиф томонидан тегишли соҳани ривожлантириш учун хулоса ва таклифлар берилади.*

***Калим сўзлар:** прокурор, қонун, сиёсат, талаб.*

**ЗАПРОС ПРОКУРОРА - КАК ВАЖНЫЙ ДОКУМЕНТ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРОРА**

Саидмурадов Наджмиддин Набижонович

Преподаватель кафедры специальных наук Сурхандарьинского Юридического
Технического Университета

***Аннотация:** в данной диссертации анализируется запрос прокурора как важный документ, связанный с деятельностью прокуратуры. В заключение автор дает выводы и предложения по развитию соответствующего направления.*

***Ключевые слова:** прокурор, закон, политика, спрос.*

**PROSECUTOR'S REQUEST - AS AN IMPORTANT DOCUMENT
OF THE PROSECUTOR'S ACTIVITIES**

Saidmuradov Nadzhmiddin Nabizhonovich

Lecturer of the Department of Special Sciences of the Surkhandarya Technical
University of Law

***Abstract:** this dissertation analyzes the prosecutor's request as an important document related to the activities of the prosecutor's office. In conclusion, the author gives conclusions and proposals for the development of the*

relevant direction.

Keywords: *prosecutor, law, policy, demand.*

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида қонунчиликнинг самарали ижроси алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган назорат фаолияти муҳим ўрин тутди. Прокурор назорати жараёнида қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар орасида прокурор талаби алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у қонунийликни таъминлашнинг самарали механизми ҳисобланади.

Прокурор талаби – бу прокурор томонидан қонун бузилишини бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш мақсадида юридик ва мансабдор шахсларга йўлланадиган расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, прокурор талаби прокурор назорати объектиларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.¹

Прокурор талабининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Мажбурийлик – прокурор талаби ижро этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Аниқлик – талаб аниқ ифодаланади (масалан, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш), қонун бузилиши ҳолатлари, бузилган қонун нормалари ва бартараф этиш чоралари аниқ

¹ Tairova, G. (2018). FEATURES OF EMPLOYMENT OF WOMEN RES ID IN G IN RURAL AREAS. ProAcademy, 1(1), 65-70.

кўрсатилади.

Муддатлилик – прокурор талабида кўрсатилган қонунбузилишларни бартараф этиш учун аниқ муддат белгиланади.

Асослилик – талаб ҳуқуқий нормаларга ва аниқланган фактларга асосланган бўлиши керак.

Расмийлик – прокурор талаби махсус шаклда расмийлаштирилади ва прокурор томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни

6-моддасида прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлигига оид қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Прокурор назорати амалиётида прокурор талабининг бир неча турлари мавжуд:

Хужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги талаблар.

Қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги талаблар. Бу талаб қонун бузилиши аниқланганда ва уни дарҳол бартараф этиш зарур бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолларда прокурор ноқонуний хужжатни бекор қилиш, қонунга зид ҳаракатларни тўхтатиш ёки қонун талабларини бажариш мажбуриятини юклайди.

Қонунбузарликларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талаблар. Бу турдаги талаб қонун бузилишининг такрорланишини олдини олиш мақсадида қўлланилади. Унда нафақат аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, балки уларнинг юзага келиш сабаблари ва шароитларини ҳам бартараф этиш чоралари кўрсатилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаблар. Бу талаб фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида йўлланади. Унда бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ёки бошқа компенсация чораларини кўриш мажбурияти юкланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, прокурор талаби уни олган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган ёки қонунчиликда назарда тутилмаган бўлса прокурор томонидан белгиланган муддатда кўриб чиқилиши ва бажарилиши шарт. Агар талабни бажариш учун узоқроқ муддат



талаб этилса, прокурор бундай муддатни алоҳида белгилаши мумкин.²

Талабни олган мансабдор шахс ёки орган қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши лозим:

Прокурор талабини кўриб чиқиш ва қабул қилинган чоралар тўғрисида прокурорни ёзма равишда хабардор қилиш.

Талабларни бажариш учун зарур ҳаракатларни амалга ошириш.

Талабни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, бунинг сабабларини асослаб, прокурорга ёзма жавоб тақдим этиш.

Прокурор талабини бажаришдан бош тортиш ёки лозим даражада бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокурор талаби прокурор назорати ҳужжатлари тизимида алоҳида ўрин тутadi ва қуйидаги хусусиятлари билан бошқа назорат ҳужжатларидан фарқланади:

Прокурор протестидан фарқи – протест асосан норматив ҳужжатларга нисбатан киритилса, талаб конкрет ҳаракатларни амалга оширишга қаратилади.

Прокурор тақдимномасидан фарқи – тақдимнома қонун бузилиши ҳолатларини умумий тарзда бартараф этишга қаратилган бўлса, талаб конкрет қонун бузилиши ҳолатини зудлик билан бартараф этишни назарда тутadi.

Прокурор огоҳлантиришидан фарқи – огоҳлантириш профилактик характерга эга бўлиб, ҳали содир этилмаган қонун бузилишининг олдини

² Шокиров, О. (2024). Теоретико-правовые основы прокурорского надзора за законностью актов органов государственной власти на местах. Общество и инновации, 5(2/S), 175-189.



олишга қаратилган бўлса, талаб аниқланган қонун бузилишини бартараф этишга қаратилади.

Прокурор талаби прокурорлик фаолиятига оид ҳужжатлар тизимида муҳим ўрин тутувчи, қонунийликни таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий табиати, қўлланиш соҳалари ва амалиётини таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулоса ва таклифларга келиш мумкин: Прокурор талабининг ҳуқуқий мақомини янада аниқлаштириш ва мустаҳкамлаш, уни қўллаш амалиётини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таҳлил ва таклифлар асосида прокурор талаби институтини такомиллаштириш орқали қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Tairova, G. (2018). Features of employment of women residing in rural areas. ProAcademy, 1(1), 65-70.
2. Шокиров, О. (2024). Теоретико-правовые основы прокурорского надзора за законностью актов органов государственной власти на местах. Общество и инновации, 5(2/S), 175-189.